Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 июнь, Шанба. №42 (14324)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия Республикаси Ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

— Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир,- деди Ислом Каримов учрашувда.- Мамлакатимиз мазкур халқаро ташкилот доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Б.Ферреро-Вальднер Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли кечаётганини таъкидлади. Чунончи, мазкур ташриф асносида мамлакатимиз раҳбарияти билан ҳам ЕХҲТ ҳам Австрия ўртасидаги алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилиш имконияти туғилганини қайд этди. Жумладан, шу куни эрталаб Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида имзоланган битимни юқори баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## КУЧЛАР БИРЛАШДИ — ҒОЯЛАР ТУТАШДИ

Икки бирлашган партиядан ташкил этилган Фидокорлар миллий демократик партиясининг I Қурилтойи бўлиб ўтди. Партиянинг олий анжумани кун тартибида асосан бешта масалани кўриб чиқди.

— Кун тартибидаги масалалар ўз моҳияти жиҳатидан бирлашган икки сиёсий кучларимизнинг умуммақсадларидан келиб чиқадиган вазифаларини тўла ифодалади, деб айтиш мумкин, - деди ФМДП ташкилий бўлими мудири Мавлонжон Йўлдошев. - Қурилтойимизда ФМДПнинг янги таҳрирдаги ҳаракат Дастури, Низоми лойиҳалари тасдиқланди. Шунингдек қўйилган масалалар қаторида партиянинг нашри бўйича муҳокама борди, ҳамда "Фидокор" газетаси унинг нашри этиб тасдиқланди.

Фидокорлар миллий демократик партиясининг I Қурилтойида партиянинг марказий кенгаши таркибига ўзгартириш киритилиб, унинг аъзолари 74 кишидан 69 кишига қисқарди, Анжуманда кун тартибига қўйилган сўнгги масала ҳам ҳал этилди. Чунончи ФМДПнинг назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари 15 кишидан иборат этиб тасдиқланди.

**"Туркистон - пресс"**

Мардлар қўриқлайди Ватанни

## АСКАР ҚАСАМЁДИ




**Йигитлик бурчини ўташ учун келган ёш аскарлар бирин-кетин сафдан шахдам қадамлар билан чиқиб, Президентимиз ва халқимизга содиқ бўлишга тантанали равишда Қасамёд қилдилар.**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли бўлинмада ёш аскарларнинг ҳарбий Қасамёд қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан карнай-сурнай наволари остида ҳарбий қисм ҳовлисига янги чақирилган ёш аскарларнинг ота-оналари таклиф этилди. Улар дастлаб ҳарбий қисмда яратилган барча шароитлар билан танишдилар, шунингдек, маънавият ва маърифат уйи, ётоқхоналар, спорт заллари, ўқув хоналарини кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар ҳарбий оркестр жўрлигида зобитлар ва аскарлар саф тортган майдон томон йўл олдилар. Ҳарбий қисм командири, полковник Худоёр Сапарбеков Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Адҳам Ёқубовга зобитлар ва аскарларнинг Қасамёд тантанасига тайёр эканлиги тўғрисида ахборот берди.

Ҳаяжонли дақиқалар... Бу ерга йигитлик бурчини ўташ учун келган ёш аскарлар бирин-кетин сафдан шахдам қадамлар билан чиқиб, Президентимиз ва халқимизга содиқ бўлишга тантанали равишда Қасамёд қилдилар.

Қисм командири Қасамёд қабул қилингани тўғрисида ахборот бергандан сўнг майдон узра Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ёш аскарлар номидан сўзга чиққан Назар Самандаров ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгишга, серқуёш ўлкамиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун сидқидилдан хизмат қилишга ваъда берди ва сафдошларини ҳам шунга даъват этди.

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидан келган Ғофур ака Розиқов ва Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 5-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Меҳриниссо опа Низомиддиновалар бу ерга тўпланган меҳмонлар номидан сўз олиб, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ота-оналари, қариндошлари бағрига соғ-омон, ёруғ юз билан боришларини айтиб, ўз тилакларини изҳор этишди.

— Азизжон Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини тугатиб, шу ерда ҳақиқий хизматни бошлади, ҳарбий машқларда янаям чиниқиб, ҳаётни ўрганади, -деди Бухоро вилоятидан келган Ғофур ака Розиқов. — Ҳарбий қисмни айланиб шу нарсага амин бўлдимки, бу ерда аскарлар учун барча қулайликлар мавжуд, йигитлари бир-бирлари билан аҳил, иноқ экан.

Тантанали маросим тугагач, ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ташкил этилган байрам концерти дастури намойиш этилди.

**Азамат СУЮНОВ**

## МУКОФОТГА "ТИКО" ОЛДИМ



**Аввало, мамлакатимизда ёшлар учун кенг имконият яратилгани катта бахт. Тенгдошларим "Универсиада — 2000" майдонида ҳалоллик билан беллашишди. Назаримда, бунда ҳаммамиз ғолиб бўлдик. Универсиада менга кўп нарсаларни берди. Талайгина дўст орттирдим. Президентимиз совға қилган "Тико" ёнида турганимда, кўзларимдан ўз-ўзидан ёш қуйилди.**

Истеъдодлар

Шахмат ўйнай бошлаганимда, эндигина 3 ёшга тўлгандим. Тўққиз ёшимда мактабдаги ҳар хил мусобақаларга қатнаша бошладим. Устозим, мураббийим отам эди. Агар ғолиб бўлсам, боладек қувониб, совға билан ҳар доим қўллашлари менга далда бўлди ва шу муҳитда қатта бўлдим. Ниҳоят, ота-онам орзу қилганидек талаба бўлдим. Имконим чекланди. Энди ўзимни илмга, фалсафа соҳасига бағишлайман, деган кайфиятда эдим. Вақти-вақти билан шахмат ўйнаб турардим. Бироқ, кўп ўтмай тенгдошларим орасида спортнинг барча тури бўйича талабалар ўртасида мусобақа ўтказиларкан, деган гап тарқади. Мен ҳам журъат қилиб шахмат бўйича ўз иқтидоримни синадим. Рақибим Ирода ҳам жуда кучли шахматчи экан. Курашимиз сўнггида ғолиб бўлдим. Бу ғолиблик нафақат менинг, мураббийларим, дўстларим, менга ёрдам берган, далда бўлган тенгдошларимникидир. Бир сўз билан айтганда, спорт — инсон иродасини тоблайди. У инсонлар ўртасида дўстлик, эзгулик туйғуларини бир-бирига боғлайди. "Универсиада-2000"нинг натижаси шуни кўрсатадики, биз ҳам дунё ёшларидан ўтсак ўтамизки, асло кам эмасмиз. Нафақат спортда, керак бўлса, санъатимиз, билимимиз, фикр-мулоҳазаларимиз билан ҳар қандай баҳсларда ҳам ғолиб чиқа оламиз, деб ишонч билан айта оламан.

Мусобақадан таассуротларим талайгина. Наманганликларнинг спортни севиши, меҳмондўстлиги ҳам халқимизнинг бағрикенглигидан далолат беради. Мен эса ўз ўрнида университетнинг шаънини ҳимоя қилганимдан фахрланаман.

**Севара ЮСУБАЛИЕВА,**
**"Универсиада-2000" мусобақаларининг ғолиби,**
**Ўзбекистон Миллий Университети фалсафа факультети талабаси**

## АБИТУРИЕНТНИНГ НЕГА БОШИ ҚОТГАН?

**Олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳон топшириш вақти ҳам яқинлашиб қолди. Битирувчилар ҳаяжонда. Кўпчиликни "Талаба бўла оламанми?" деган савол қийнайди. Қайси бир битирувчи олий ўқув даргоҳи талабаси бўлишни хоҳламайди, дейсиз. Талабалик олтин даврини бошдан кечириш кўпчилик ёшларнинг орзуси.**

Мен ҳам шундай бахтдан умидворман. Шундай умид билан "Саратон ташвишлари" - имтиҳонларга тайёргарлик кўряпман. Ва шу жараёнда қизиқ ҳолатларга дуч келяпман. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига киришда имтиҳонлар ўрнига тест синовлари тизими жорий этилди. Тест саволлари махсус "Ахборотнома"да мунтазам равишда чоп этиб берилмоқда. Бу абитуриентлар учун катта қулайлик. Бўлажак талаба йил давомида имтиҳонга тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади. Аммо ўтган йилларда олий ўқув юртларига кириш учун топширилган тест синови натижалари таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: 1998 йили "Қадимги дунё тарихи" фанидан ўзлаштириш 57 фоиз бўлса, 1999 йили бу рақам 38 фоизга тушиб қолган. Ёки абитуриентларнинг "Жаҳон тарихи" фанидан (Ўрта асрлар тарихи даври) ўзлаштириши 1998 йили 55 фоиздан 1999 йили 38 фоизга тушган. Шундай қилиб, ҳар йили бу кўрсаткич пасайиб бормоқда.

Сабаби - аксарият ўқув фанлари (тарих, адабиёт, ўзбек тили) бўйича ҳанузгача сифатли дарслик йўқ. Бундай янги адабиётлар ўқув йили тугашига 2-3 ой қолгандагина нашрдан чиқяпти. Абитуриент қандай қилиб бу қисқа муддат ичида янги нашр қилинган шунча китобни ўзлаштириши мумкин? Бунинг устига тест саволлари ҳам айнан шундай китоблардан олинган бўлса. Шу боис, тест саволларини тузишда ўқувчиларнинг дарслик ва қўлланмалар борасидаги имкониятлари ҳам ҳисобга олинса...

**Зулфия АҲРОРОВА,**
**абитуриент**

## МИЛЛИЙ ФУТБОЛИМИЗ ҚАЧОН ЮКСАЛАДИ?

**Яқинда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Қонун спорт бўйича давлатимиз сиёсатини ҳаётга жорий этишига шубҳа йўқ. Бир сўз билан айтганда, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди.**

Менинг фикрим

Қонунни қабул қилиш жараёнида Юртбошимиз спортдаги муаммолар, хусусан, миллий футболимизни ривожлантириш хусусида куйиниб гапирдилар Шу муносабат билан кўпдан кўнглимдан ўтиб юрган гапларни газетхонлар, футбол ишқибозлари билан ўртоқлашгим, уларнинг ҳам фикрини билгим келди.

Ҳеч бир спорт турининг футболчалик ишқибози кўп бўлмаса керак. Ҳатто, ҳақиқий футбол иштиёқмандлари учун бир неча минг километрни босиш ҳам чўт эмас. Дарҳақиқат, биз Европа чемпионлар лигасининг финалида ҳам бунинг гувоҳи бўлдик.

Ўйин гарчи Францияда бўлиб ўтса-да, стадионга ташриф буюрган мухлисларнинг асосий қисмини Испаниядан келган футбол фанатлари ташкил қиларди.

Бироқ (баъзан бу сўзни ишлатгинг келмайди) мамлакатимиздаги стадионларда ўриндиқларнинг кўп қисми доимо бўш турганини кўриб йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмайсан, киши. Тўғри, ҳеч кимни футбол ўйинига мажбурлаб олиб бориб бўлмайди. Унга фақат қизиққанлар, ҳаётининг бир қисмини футболсиз тасаввур қила олмайдиганлар боради. Аммо нега энди Мадрид, Париж, Милан ва бошқа қатор Европа мамлакатлари, қолаверса, Токио, Сеул стадионлари мухлислар билан лиқ тўлади-ю, бизда аксинча бўлади. Сабаби оддий. Уларнинг футболи зўр. Кўрган киши ҳам завқ, ҳам дам олади. Бизда эса... Стадиондан қайтган мухлис, албатта, асабни қандай даволасам экан, дея бош қотиради.



Кейинги пайтларда негадир энг ишончли футболчи ёки мураббий дея эътироф этганларимиз ҳам "қоқилиш"дан ўзгага ярамай қолди. Келинг, яхшиси сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун "Нефтчи" жамоаси ўйинларига бир назар солайлик. Маълумки, фарғоналиклар ўтган йилнинг биринчи даврасини анча бўш ўтказиб, иккинчи даврада ўзларини тиклаб олишганди. Ўшанда машҳур мураббий Саркисян: "Биз биринчи давра ўйинларини ёш, тажрибасиз футболчилар билан бошлагандик. Шунинг учун баъзи учрашувларда ўйинларимиз қовушмади. Иккинчи даврада эса "Нефтчи" жамоаси "очилди", деган эди.

Хўп, бунга ҳам розимиз. Аммо бу йил-чи? Бу йил ҳам ўтган йилги ҳол такрорланаяптими? Ўтган йилги ёшарган жамоа бу йил янаям ёшариб кетдими? Агар ҳар мавсум шундай бўлаверса, унда профессионал жамоа қачон шаклланади?

Шунингдек, бу гапларни Тошкент вилоятидаги "Дўстлик" жамоасига нисбатан ҳам бемалол ишлатиш мумкин. Тўғри, жамоа ўтган йили, гарчи мавсум охирида анча бўш ўйин кўрсатган бўлса-да, чемпионлик унвонини қўлга киритганди. Футболчиларимиз МДҲ чемпионлари кубогида деярли ўйин кўрсатолмади. Ҳолбуки, Киев "Динамо"чиларига ўхшаш жамоалар иккинчи таркиб билан ушбу кубок ўйинларига ташриф буюрган эди.

Эсингизда бўлса, ўн иккинчи Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси футболчилари биринчи ўринни эгаллашганди. Хўш, ўшанда терма жамоамиз ҳақиқатан ҳам зўрмиди? Ёки омади келдими? Менимча, биринчисига нисбатан иккинчиси ҳақиқатга яқинроқ. Жанубий Корея терма жамоаси билан бўлган ўйинни бир эсланг. Ўйинда кореялик йигитлар футболчиларимизнинг деярли "нафас" олишларига йўл қўйишмаганди. Аммо омад улардан юз ўгирди. Бўлмаса, А.Абдураимовнинг шунча узоқ масофадан, устига-устак, кучсиз зарба билан тепган тўпини дарвозабон қўлининг ёнгинасидан ўтказиб юборади, деб ким ўйлаганди, дейсиз. Аммо ўша пайтда бундай ўйин билан узоққа боролмаслигимизни англамадик. Аниқроғи, англашни истамадик. Оқибат эса, мана, Европа футболи у ёқда турсин, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Япония, Саудия Арабистони, Жанубий Корея футболига ҳавас билан боқамиз. Ваҳоланки, бир вақтлар бизнинг футболимиз уларникидан бир неча поғона устун эди.

Хўш, энди дўппини олиб бир ўйлаб кўринг-чи, Европаникига деярли тенг футболни томоша қилиб ўрганиб қолган мухлис қандай қилиб паст савиядаги ўйинларни томоша қилсин?

**Нуриддин ИСМОИЛОВ**

## ҲУҚУҚШУНОСЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича Конституцион ҳуқуқ, Фуқаролик ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи, Халқаро ҳуқуқ ва Мусулмон ҳуқуқи асослари ўқув фанларидан Республика талабалар олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан келган талаба ҳуқуқшунослар беллашдилар.**

Беш фан йўналиши бўйича ўтказилган беллашувнинг якуний натижаларига кўра Беҳзод Мўминов (ИИА), Элдор Файзуллахўжаев, Ирода Жўраева, Шоҳида Қорахўжаева (ТДЮИ) ва Виктория Поставацевалар (ИИА) мутлоқ ғолиб деб топилиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Умумкомандалар ўртасидаги мусобақаларда эса Тошкент Давлат юридик институти биринчи, Республика Ички ишлар академияси иккинчи, Нукус Давлат университети учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Илмий маърузалар бўйича ўтказилган ғолиблар танлови янада қизғин тус олди. Талабалар ўзларининг нималарга қодирлигини, сермулоҳаза ва ўткир фикрлари билан исботладилар. Маърузачи Дармонжон Азезов (ИИА) биринчи, Шоира Ҳайдарова (ТДЮИ) иккинчи, Азат Саидов (Нукус) учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси**

